

## УРБАНИЗАЦИЯНИНГ ИЖТИМОЙ ФУНКЦИЯСИ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-7-431-436>

Сайдов Қахрамон Бектурдиевич

Урганч Давлат Университети мустақил тадқиқотчиси

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада, шаҳарлашиш тенденцияси, катта ва йирик шаҳарларда экологик, хизматлар кўрсатиш, транспорт, инфраузилмаларнинг шаклланганилиги каби қатор муаммолар мавжудлиги ҳамда инсон ҳаётига, ён-атрофга гўзалликни олиб кириш, эстетик функция туфайли урбанизацияга оид нарсалар, хизматлар, иниоотлар ва артефактлар гуманистик моҳият ҳам касб этиши борасида мулоҳаза бритилади.

**Таянч тушунчалар:** Гўзаллик, эстетик завқ олиш, сунъий олам, инсонни яратган табиий олам, шаҳар маданияти, урбанизация ва цивилизация, урбанизация илмий- техник воситалар, газонлар, декоратив дараҳтлар, қуриладиган фонтан ва бассейнлар, иниоотлар.

### АННОТАЦИЯ

*В данной статье тенденция урбанизации, наличие ряда проблем, таких как экология, предоставление услуг, транспорт, формирование инфраструктуры в крупных и крупных городах, и привнесение красоты в жизнь человека и окружающую среду, обусловлены эстетической функцией урбанизации, вещи, услуги, сооружения и артефакты имеют гуманистическую сущность.*

**Ключевые слова:** Красота, эстетическое наслаждение, искусственный мир, рукотворный мир природы, городская культура, урбанизация и цивилизация, научно-технические средства урбанизации, газоны, декоративные деревья, строительство фонтанов и бассейнов, сооружения.

### ABSTRACT

*In this article, the trend of urbanization, the presence of a number of problems, such as ecology, the provision of services, transport, the formation of infrastructure in large and large cities, and the introduction of beauty into human life and the environment, are due to the aesthetic function of urbanization, things, services, buildings and artifacts have humanistic essence.*

**Keywords:** Beauty, aesthetic enjoyment, artificial world, man-made natural world, urban culture, urbanization and civilization, scientific and technological means of urbanization, lawns, ornamental trees, construction of fountains and pools, structures.

## КИРИШ

Урбанизациянинг ижтимоий функцияси шаҳарлаштириш (ситизация) билан боғлиқ. Инглиз тилидан олинган “сити” сўзи шаҳар марказида жойлашган, ишбилармонлар учун қулай шарт- шароитларга эга маконни англатади. Ишбилармонлик марказларини “сити”деб аташ Farbda кенг тарқалган. Урбанизация ўз қуликлари билан ситиларни ишбилармонлар учун мафтункор жойга, халқаро бизнес субъектлари йигиладиган алоҳида маконга айлантиради. Халқаро тилда унинг London city, New York city, Mexico city, city centre, city hall, Promt city, aleksandr city, almati city, ancient capital city каби сўзлар ва иборалар учрайди. Баъзан эса city town (туман шаҳар) ибораси ҳам учрайди. Хуллас, катта ва йирик шаҳарларнинг цивилизация марказларининг вужудга келиши, урбанизациянинг ривожланиши билан шаҳарлаштириш тенденцияси авж олди. Бугун дунёда ўрта ҳисобда 2 667 417 шаҳар мавжуд. Аммо катта ва йирик шаҳарлар сони тез ошиб бормоқда. Агар 1950 йилда дунёда 10 миллионли аҳолиси бор 2 та мегаполис бўлган бўлса, бугун уларнинг сони 81 та<sup>1</sup>. Шаҳарлаштириш жараёнлари аҳоли сонининг ўсиши ва миграция оқими билан боғлиқ. Кузатишлардан маълум бўладики, аҳолининг ўсиши урбанизация билан боғлиқ эмас, бироқ миграция мудом урбанизациянинг мафтункорлиги туфайлидир. Аҳолининг кўчиши чеккадан марказ томон юз бериб келади, марказ цивилизацияси ва урбанизацияси билан чекка учун қизиқарлидир.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Шаҳарлашиш тенденцияси қанча давом этади, буни башорат қилиш қийин. Катта ва йирик шаҳарларда экологик, хизматлар кўрсатиш, транспорт, инфратузилмаларнинг шаклланганлиги каби қатор муаммолар мавжудки, уларни мутлақ ҳал этган, ҳеч қандай муаммосиз яшаётган шаҳарлар деярли учрамайди. Биргина экологик муаммонинг ўзи шаҳар аҳолисининг кайфиятига, соғлигига ва ўз ҳаётидан мамнунлигига жиддий таъсир кўрсатмоқда, шу сабабли катта ва йирик шаҳарларда яшовчи кишилар дам олиш кунлари шаҳар чеккасига интилишади, очиқ ҳавода дам олишни маъқул кўришади. Шаҳар

<sup>1</sup> Қаранг: <http://www.ru.m.wikipedia.org/wiki>.

чеккаларидан уй-жой қуриш анъанаси, айниқса иқлими иссиқ мамлакатлар ва шаҳарларда, шаклланиб қолган. Демак, шаҳарлашиш тенденциясида тескари жараён, яъни шаҳарлардан ташқарига интилиш ҳам юзага келган. Бу интилишни янги шаҳарлар ва ситилар ҳам юзага келтириши мумкинлигини эътибордан соқит қилиб бўлмайди. Урбанизациянинг муҳим функцияларидан бири инсон ҳаётига, ён-атрофга гўзалликни олиб киришдир. Ушбу эстетик функция туфайли урбанизацияга оид нарсалар, хизматлар, иншоотлар ва артефактлар гуманистик моҳият ҳам касб этади. Инсонда икки туйғу мудом ёнма-ён юради, бири -гўзалликка, ён атрофини қулай ва чиройли қилиб безатишга, бу ижодидан эстетик завқ олиш, иккинчиси эса-ёввойи табиат қўйнига интилиш, ўзини ушбу табиатнинг бир қисми эканини англаш, шу тариқа руҳига ором, дам беришдир<sup>2</sup>. Биринчиси - инсон яратган сунъий олам, иккинчиси- инсонни яратган табиий олам. Инсон онги ва вужудидаги ушбу икки олам унинг шаҳар маданияти, урбанизация ва цивилизацияга бўлган муносабатларини ҳам шакллантиради. Урбанизация илмий- техник воситалар орқали чиройли, ихчам ва инсон меҳнатини самарали қиласидаги маконни, қуролларни яратади, аммо ушбу нарсалар инсонга эстетик завқ ҳам келтириши зарур. Шаҳарларда қиласидаги газонлар, декоратив дараҳтлар, қуриласидаги фонтан ва бассейнлар, иншоотлар кишининг эстетик дидини юксалтиришга хизмат қилганидагина шаҳар ҳаётини, архитектураси ва дизайнини гуманистик қиласиди. Шаҳар эстетикаси билан қишлоқ ва туманлардан фарқ қиласиди. Шаҳардаги ҳар бир бино, кўча, дараҳт, бурчак, хизмат тури, кишиларнинг кийиниши ва муомаласи, турмуш тарзи, фикрлаши, хуллас, шаҳар маданиятига оид барча нарсаларда эстетик маъномавжуд. Демак, шаҳар урбанизацияси ҳар бир нарсага, элементга эстетик маъно бахш этгани боис шаҳар муҳитини, қишлоқнидан фарқли ўлароқ, гўзал, дидли, нафосатли қиласиди.

Урбанизация ҳудуд ва ушбу ҳудудда шаклланган локал қадриятлар билан боғлиқ тарзда яратилади. Шунинг учун у ҳудудий-локал функцияларга ҳам эгадир. Уларга қуидагилар киради:

- маҳаллий аҳоли ўтроклигига мослашиш (адаптация функцияси);
- маҳаллий табиий ландшафтдан келиб чиқиш (табиийлик функцияси);
- қурилишдаги этноанъаналарга таяниш (этноархитектура функцияси);
- қишлоқ ҳаёт ва турмуш тарзини замонавийлаштириш (модернизация функцияси);
- локал этномаданий бойликларни асраш (музей функцияси).

<sup>2</sup> Қаранг: Лихачев Д.С. Письма о прекрасном. -Москва: Дет. литература, 1983. С.23-26.

Урбанизация қуруқ, худудий-локал белгилари ва этноанъаналари мавжуд бўлмаган жойда шаклланмайди. Инсон,этнос мавжуд экан, шу ерда ҳудудий-локал стереотиплар бўлиши муқаррардир. Аммо бу жойларда урбанизациянинг шаклланиши маълум бир қонуниятлар асосида рўй беради. Ушбу қонуниятлар, ўз навбатида, урбанизациянинг шаклланиши ва функцияларини ҳам ифодалаб келади. Урбанизациянинг ушбу шаклланиш жараёни ва функцияси аввало унинг маҳаллий аҳолининг ўтроқлигига мослашишида акс этади. Уни қисқача “адаптация функцияси” дейишимиз мумкин. Ўтроқ ҳаёт тарзига ўтиш охирги неолит даврида бошланган, урбанизациянинг генези ана шудаврга бориб тақалса-да, уни алоҳида ижтимоий-маданий воқелик экани XX асрнинг иккинчи ярмида эътироф этилган. Уларни солиштириш ва қиёслашнинг аҳамияти йўқ, аммо ўтроқлик ҳануз маданий ва цивилизацион жараёнларга таъсир этади. Масалан, XX асрда Европа цивилизацияси жаҳон халқларига таъсир этган,улардаги этноанъаналарни ўзгартирган бўлса -да, ҳеч бир этнос, халқ ўзининг худудий-локал этноанъаналаридан воз кечган эмас. Шундай этноанъаналарига эга бўлмаган қавмлар, тиллар ассимиляцияга учраган ва ижтимоий-тарихий жараёнларда иштирок этишдан маҳрум бўлган. Бундай этноанъаналари мавжуд,уларни асраш ва сақлаш қобилиятига эга халқлар эса ривожланишининг навбатдаги поғонасига кўтарилган. Ўтроқлик ва этноаъаналар эса алоҳида рўй берадиган воқеликлар эмас,улар тил, турмуш тарзи, этнотафаккур, урф-одатлар, дин ва ахлоқий қадриятлар орқали трансформация жараёнларини белгилаб берган. Ўтроқ халқларга нисбатан урбанизация, шаҳар маданияти ролининг ошиши қишлоқ ҳаётига трансформацион таъсир эди. Бу ўринда, бир томондан, урбанизация маҳаллий аҳолининг ўтроқ ҳаётига мослашиши, иккинчи томондан, қишлоқ ҳаётини трансформациялашишга етаклаган боис сифатида келади. Маҳаллий аҳолининг ўзига хос ва энг муҳим белгиларидан бири унинг табиий ландшафтга яқинлигидир. Ушбу ландшафтдан келиб чиқиш, уни шаҳар маданиятига тадбиқ этиш шаҳар урбанизациясининг функциясидир. Шаҳар эстетикаси ва дизайнига эътибор қилган киши унда қишлоқ ландшафти элементлари, ҳатто қишлоқ табиий оламига тақлид қилиш борлигини кўради<sup>3</sup>. Агар буни ижтимоий-фалсафий нуқтаи назардан таҳлил қилсак, инсон билан табиат ўртасидаги алоқалар сиртдан қарагандагина шахснинг хоҳиши,индивидуал истаги ва қизиқиши бўлиб кўринади, ваҳоланки, у субстанционал тарзда табиатнинг, у

<sup>3</sup> Қаранг: Веденин Ю.А. Очерки по географии искусства.-Санкт Петербург: “Питер”, 1997. С.187-189.

шакллантирган образлар ва символларнинг “давоми”дир<sup>4</sup>. Қишлоқ ҳаёт тарзига мувофиқ бўлган табиий ландшафт яратиш бугун шаҳар урбанизациясининг таркибий қисмига айланган. Шаҳар урбанизациясининг қишлоқ жойларидағи этноархитектура анъаналарига таяниши консерватизмга интилиш ёки тор миллий анъаналарни улуғлаш эмас, у шаҳар билан қишлоқни азалий, барқарор анъаналар асосида яқинлаштиришдир. Бугун архитектура инновацион изланишлар томон юз тутган, унда янги-янги ёндашувлар ва стиллар пайдо бўлмоқда. Урбанизация баъзан ушбу инновацияларнинг ифодаси сифатида ҳам талқин қилинади. Бироқ урбанизацион ривожланиш этноархитектурадаги тажрибаларни четлаб ўтолмайди<sup>5</sup>. Масалан, қишлоқ жойларида уй- ҳовлилар ариқ, қўл, сув устига қурилмайди, шаҳар архитектураси ҳам ушбу тартибни ўзлаштирган, нормативларга кўра, иншоотлар сув бўйларидан камида 50 метр берида кўтарилади. Тўғри, шаҳар архитектураси қишлоқ тажрибаларини тўғридан тўғри қўчирмайди, уларга ижтимоий-маданий тараққиёт талаблари маълум бир шартлар қўяди. Масалан, қишлоқ ва аулларда ҳовлилар орасида катта масофалар мавжуд, гоҳо бу масофалар километрларга чўзилади. Табиийки, шаҳар ушбу этноанъаналарга эргаша олмайди. Урбанизация ҳам ушбу ёндашувга таянади ва уни ўзининг функциясига айлантиради. Урбанизация шаҳарлар доирасидан чиқиб чекка жойларга, қишлоқ ва аулларга ҳам тарқалиш хусусиятига эга. Бугунги цивилизацион ва урбанизацион тараққиётда яна бир фундаментал хусусият, яъни шаҳар маданиятининг қишлоқ, аул жойларига кириб бориши намоён бўлмоқда. Энди урбанизацияни чекка аҳолининг шаҳарга кўчиши сифатида талқин қилиш нотўғри, унга шаҳар маданиятининг қишлоқ жойларига кириб боришига оид воқелик стифатида қараш ҳам зарур. Бизнинг фикримизча, урбанизацион ривожланишни назарда тутаётган давлатлар қишлоқ аҳолисини шаҳарга кўчиб келишини эмас, балки шаҳар маданиятининг қишлоқ жойларига кириб боришини қўллаб-қувватлашлари зарур. Ана шунда аҳоли ўсишида шаҳар билан шаҳар ўртасида номутаносиблик юзага келмайди, барча ижтимоий худудлар teng ривожланади. Қишлоқ ҳаётининг замонавийлаштирилиши ундаги аҳолининг шаҳар агломерацияси томон кўчиши ҳисобига бўлмаслиги керак.

Худудий-локал этномаданий бойликларни асраш (музей) функцияси урбанизацияни миллий тажрибаларга яқинлаштиради, улар ўртасида зиддиятлар, номутаносибликлар юзага келмайди. Урбанизацияда

<sup>4</sup> Қаранг: Подорога В.А. Философия ландшафта.--Москва: Мысль, 1993. С.23, 43- 59.

<sup>5</sup> Қаранг: Чумаченко Н.Г. Традиции и инновации в строительстве и архитектуре.-Саратов: СГАСУ, 2012. С. 4- 5.

модернизацияга мойиллик, локал этномаданиятларда эса ўзининг ҳудудий-миллий қадриятларини, бойликларини сақлашга интилиш кучли. Умунижтимоий тараққиёт ушбу икки ёндашувни гуманистик мақсадлар атрофига уйғунлаштириши лозим. Ҳудудий-локал этномаданий тажрибаларга таяниш, уларни асраш урбанизацияни миллий ривожланишнинг таркибий қисмига айлантиради.

## **REFERENCES**

1. Қаранг: <http://www.ru.m.wikipedia.org> > wiki.
2. Қаранг: Лихачев Д.С.Письма о прекрасном. -Москва: Дет. литература, 1983. С.23-26.
3. Қаранг: Веденин Ю.А. Очерки по географии искусства.-Санкт Петербург: “Питер”, 1997. С.187-189.
4. Қаранг: Подорога В.А. Философия ландшафта.--Москва: Мысль,1993. С.23, 43- 59.
5. Қаранг: Чумаченко Н.Г. Традиции и инновации в строительстве и архитектуре.-Саратов: СГАСУ, 2012. С. 4- 5.